ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 9 (93)

ЖАДИД ОБИДЖОН МАҲМУДОВНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Н.Б.Комилов

Мақолада Қўқон жадидларининг етакчиси, ношир ва геолог олим Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудовнинг (1871-1936) ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар архив манбалари асосида ёритилган. Унинг Қўқон жадидларининг сиёсий етакчиси ҳамда йирик ношир сифатидаги фаолиятининг янги қирралари, йирик тадбиркор ва сиёсий арбоб сифатидаги тарихимизда учрамайдиган фаолияти ҳамда қарашлари маҳаллий ва чет эл олимлари асарлари ҳамда даврий нашрлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар*: жадид, Туркистон мухторияти, ношир, Россия империяси, маърифатпарварлик, иқтисодий мустақиллик, Конибодом, ёш бухороликлар.*

В статье на основе архивных источников представлены сведения о жизни и творчестве вождя кокандских джадидов, издателя и геолога Обиджона Абдухолик оглы Махмудова (1871-1936). Освещены новые аспекты деятельности ученого как политического лидера и крупного издателя кокандских джадидов, его деятельность и взгляды как крупного бизнесмена и политика - уникальные для ашей истории, на основе трудов местных и зарубежных ученых и материалов периодических изданий.

Ключевые слова: *джадид, Туркестанская автономия, издатель, царская Россия, просвещение, экономическая независимость, Канибадам, младобухарцы.*

Маълумки, тарихимизни объектив ўрганиш, мамлакатимизда илм-фаннинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, фан-техниканинг муҳим илмий ҳамда технологик муаммоларини ҳал этишда йирик алломаларимизнинг бой меросидан фойдаланиш, уларнинг номини қайта тиклаш бош мезонга айланиши баробарида, уларнинг ҳаёт йўллари ва ижодини ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ота-боболаримизнинг минглаб қўлёзмаларини илмий асосда ўрганишга даъват этиб: «Буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, хотирасини абадийлаштириш барчамизнинг асосий мақсадимиз бўлиши лозим, – деб бежизга таъкидламаган эди [1. Б. 45]. Дарҳақиқат, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир, чунки у орқали дунёни обод этиш, инсонни жаҳолат ва хурофот ботқоғидан олиб чиқиб кетиш, маънавий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин. Зеро, «Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир» [2. Б. 1].

Шу маънода, бугун мамлакатимизда миллий тараққийпарварлик ҳаракати бўлган жадидчилик, унинг ижтимоий-сиёсий асосларини, ҳаракатлантирган тарихий фигураларни ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб мавзуга айланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ ва миллатнинг бирдамлиги ҳамда ҳамжиҳатлиги ҳақида ҳар қайси замонда ҳам ўйлаган, бу тўғрисида бош қотирган олим ва мутафаккирлар бўлган. Аслида бу ғояларнинг илдизлари қадимдан халқ оғзаки ижодидаги эртак ва мақолларда, достонлар ва қиссаларда мавжуд эди. Халқ ҳамиша бирдамлик, тинчлик ва тотувликни ҳар қандай ривожланиш даврининг асосий мезони ва кўрсаткичи деб билган. Шунинг учун ҳам одамлар шу йўлда жонкуярлик ва саъй-ҳаракат қилганлар, ўз қаҳрамонларини эслаб, уларнинг образ ва тимсоллари орқали орзу-умидларини баён этганлар.

XIX аср охирларида тарих саҳнасига келган жадидларнинг йирик вакилларидан бири бўлган Обиджон Маҳмудов ҳам халқ ва миллатнинг кундалик ҳаёти ҳамда келажаги учун тинмай заҳмат чеккан, мамлакат ривожининг олий мақсадларига етишиш учун ҳаракат қилган маърифатпарвар шахс эди.

Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудов 1871 йилда Марғилонда туғилган. У тарихнинг энг мураккаб чорраҳасида яшаб ижод этган, кўплаб илмий, адабий мерос ёзиб қолдирган шахсдир.

Отаси Абдухолиқ Абдуқодирбек ўғли бўлиб, Бухоро амирлигида тўпчибоши лавозимида ишлаган. Фалакнинг гардиши билан у бир дўстининг таклифига биноан Марғилонга меҳмонга борганида, отдан йиқилиб оёғи синган ва шифо топгунига қадар унинг хонадонида яшашга мажбур бўлган.

У шу вақтда дўсти Мирзаюнуснинг Робия деган яқин қариндошига уйланиб, шу ерда палак ёзган. Юқорида биз тилга олган зот – Обиджон Маҳмудов Марғилонда ана шу ота-онадан дунёга келган. Биби Робиянинг тўнғич ўғли Миродил Қўқоннинг Шайхон маҳалласидан уй-жой сотиб олгач, Обиджон ҳам шу ерда яшаб, эски мактабда ўқийди. Дарсдан бўш пайтларида мўмчилик билан шуғулланган акасига ёрдам бериб, ундан мўмчилик ҳунарини, поччаси Мирзакарим заргардан эса савдо-сотиқнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганади. Кейинчалик публицист, геолог олим, жамоат ва давлат арбоби, ўзбек ва рус тилларида ижод этадиган зуллисонайн инсон, араб ва турк тилларининг билимдони ҳамда иқтисод, геология фанлари соҳасида ўзига хос билимга эга бўлган етук шахс бўлиб етишади. Шу сабаблиҳам жадиднинг ҳаёти ва фаолиятига бутун дунёда қизиқиш катта.

Хусусан, инглиз олими Эдвард Олворз «130 йиллик рус ҳукмронлигига қисқача тарихий назар» асарида Марказий Осиёда подшо Россияси ва Совет иттифоқининг 130 йиллик ҳукмронлигини тасвирлаган бўлиб, унда жадидчилик, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ҳаракатига оид маълумотларга кенг ўрин берилган. Энг муҳими, ушбу китобда Обиджон Маҳмудовнинг Қўқон шаҳар думаси ўринбосари сифатидаги фаолиятига ҳам эътибор қаратилган [3. Б. 158].

Тимур Кўчаоглунинг «Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилофлар: 1900 – 1924» номли китобида жадидларнинг «Шўройи Исломия» ҳамда «Шўройи Уламо» ташкилотлари ўртасидаги ихтилофлар ва муаммолар Туркистон Мухториятининг тугатилишига олиб келганлигини афсус билан тилга олади. Қолаверса, мухторият тугатилганидан сўнг унинг раҳнамолари орасида Мустафо Чўқай ва Обиджон Маҳмудовгина тирик қолганлигини таъкидлайди [4. Б. 67].

Холид Адибнинг «Мусулмон маданий ислоҳоти сиёсати: Ўрта Осиёда жадидчилик» китобини том маънода Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши, шунингдек, таълим тизими мукаммал ёритилган асарлардан бири дейиш мумкин. Сабаби муаллиф ушбу асарда ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатлари ва етакчилари тўғрисида кенг фикр билдирган. Айниқса, янгиланган жамиятда матбуотнинг халқ тафаккурига ижобий таъсир этишини «Садойи Фарғона» ва «Садойи Туркистон» газеталари ҳамда уларда берилган мақолалар билан исботлагани диққатга сазовордир. Бу борада муаллиф О.Маҳмудов фаолиятига ҳам тўхталиб ўтган [5. Б. 98 – 99].

И.Зенушкинанинг «Совет миллий сиёсати ва буржуа тарихчилари: Замонавий Америка тарихшунослигида кўп миллатли Совет давлатининг ташкил топиши (1917 – 1922 йиллар)» китобида Туркистон мухториятининг ташкил топиши, унга русларнинг муносабати ҳамда Муваққат ҳукумат таркибида Обиджон Маҳмудовнинг озиқ-овқат вазири сифатидаги фаолиятига алоҳида урғу берилган [6. Б. 285].

Умуман олганда, Туркистон ва Қўқондаги миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг аҳамияти ва унда тарихий фигураларнинг ўрни тўғрисида чет эл олимлари ҳам тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, Адиб Халид «Чор Марказий Осиёсида мусулмон нашриётчилари» мақоласида Туркистон жадидларининг етакчилари қаторида Обиджон Маҳмудовни санаб ўтади [7. Б. 114].

«Чор Марказий Осиёсида матбаа, ноширлик ва ислоҳотлар» мақоласида эса «Садойи Фарғона» газетасининг халқни маърифатли қилиш борасидаги ўрнини кўрсатади [8. Б. 187].

Бадан Фулнинг «Марказий Осиёда ижтимоий-маданий ислоҳотлар ҳаракати» мақоласида айнан жадидчилик Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллиги йўлида катта тарихий воқеа бўлганлигини ва бу ҳаракат кейинчалик постсовет давлатларини вужудга келтиришда асосий фундамент бўлганини таъкидлайди [9. Б. 10].

И.Балдауфнинг «Мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва модернизм доирасида Марказий Осиёдаги жадидизм» мақоласида эса жадидлар ҳаракатининг бир жойда тўхтаб, ривожланмай қолган қарашларга қарши янги бир йўналиш сифатида вужудга келганлиги кўрсатилган. Қолаверса, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Обиджон Маҳмудов ва бошқа тараққийпарварларнинг ноширлик фаолиятига тўхталиб ўтилган. Хусусан, О.Маҳмудовнинг Россия империяси томонидан Туркистонда ташкил этилган турли банк ва биржалар мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қарам қилаётганлиги ҳақидаги фикрига диққат қаратилган [10. Б. 79].

К.Базарбаев, Х.Турсун ва бошқаларнинг «Жадидчилик таълим тизими ва Туркистонда (Ўрта Осиёда) сиёсий ҳаракат сифатида» мақоласида жадид мактабларининг структураси ва уларнинг ўша даврдаги ўрни тўғрисида фикр билдирилган. Жадидларнинг газета ва журналлари («Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Ойна» ва ҳоказо) тўғрисида ҳам маълумотлар берилган [11. Б. 87].

В.Бобровниковнинг «Совет Шарқида урушлараро йўналишдаги визуал тарғиботнинг исломий кўриниши (1918 – 1940)» номли тадқиқотида эса совет пропагандасининг аҳамияти ҳамда О.Маҳмудовнинг 1920 йил апрелида Туркистонга Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийси бўйича информатор агенти этиб юборилганлиги ва шу лавозимда волост ҳамда қишлоқ советларини

ташкил қилиш, сув муаммоси бўйича юзага келган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсатгани тўғрисида маълумот берилган [12. Б. 58].

Доғистонлик олима М.Османова «XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда эски босма китоб» деб номланган мақоласида Обиджон Маҳмудов томонидан ташкил этилган «Ферганское эхо» газетаси халқни маърифатли қилиш нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди [13. Б. 10].

А.М.Худойқуловнинг «Туркистон жадидларининг маърифатпарварлик фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари)» [14. Б. 149] ҳамда Р.Н.Турсуновнинг «XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга миллий тараққийпарварларнинг қарашлари» мавзуидаги номзодлик диссертацияларида ҳам миллий тараққийпарварларимиз томонидан олиб борилган диққатга сазовор ишлар таҳлил қилинган [15. Б. 86].

С.С.Бороздин «Россия ҳукуматининг Туркистон ва Бухоро мусулмон аҳолисига нисбатан сиёсати» мавзусидаги номзодлик диссертациясида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда Ленин ҳукуматининг Марказий Осиёдаги сиёсатига тўхталган ҳамда Обиджон Маҳмудовнинг «Садойи Фарғона» газетаси тўғрисида фикр билдирган [16. Б. 183].

Татар олимаси Ф.А.Жестовская ўзининг «XIX аср – XX аср бошларида Татар маърифатчилиги муаммолари тарихий ва сиёсий ўлчовда» номли номзодлик диссертациясида Исмоил Гаспирали ва Заки Валидийнинг Марказий Осиёдаги ташвиқотларига тўхталиб, Туркистон Мухториятида Обиджон Маҳмудовнинг 1917 йилги очарчиликнинг олдини олишда вазир сифатидаги ўрни беқиёслиги кўрсатган [17. Б. 112]. Маҳаллий олимларимиздан С.Б.Шадмановнинг «Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари» мавзусидаги докторлик диссертациясида эса Обиджон Маҳмудовнинг «Садойи Фарғона» газетасидаги иқтисодий қарашлари келтирилган [18. Б. 139].

Йирик олим Р.Шарипов ҳам ўз асарида Туркистонда жадидлар ҳаракатининг айрим жиҳатларига тўхталиб, ушбу ҳаракатнинг ёрқин вакили бўлмиш О.Маҳмудов фаолиятига тўхталади [19. Б. 48]. Шунингдек, Обиджон Маҳмудовнинг миллий – давлатчиликни барпо этиш борасидаги ҳаракатларини С.Аъзамхўжаевнинг асаридан ҳам билиб олиш мумкин [20. Б. 6].

Р.Шамсутдинов «Туркистон мухторияти ҳарбий вазири Убайдулла Хўжаев портретига чизгилар» мақоласида О.Маҳмудовнинг йирик ҳуқуқшунос олим сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берган [21. Б. 183]. Ушбу муаллифнинг «Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб» мақоласида эса жадидларнинг раҳнамоларидан бири бўлган Мустафо Чўқайнинг 1936 йилда Парижда туриб Обиджон Маҳмудовнинг ўлими муносабати билан ёзган хотиралари келтирилган [22. Б. 21].

Яна бир олим Р.Назаров «Маҳмудов Обиджан Абдухолиқ ўғли» мақоласида О.Маҳмудовнинг 1897 – 1901 йилларда Санкт-Петербургдаги тоғ-кон университетида таҳсил олиб, Россиядаги ўзбеклар орасида биринчи тоғ-кон инженери бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни келтиради [23. Б. 12]. Унинг «Россиядаги ўзбек диаспораси: тарих ва замонавийлик» номли мақоласида ҳам Обиджон Маҳмудовнинг Россиядаги фаолиятига тўхталиб ўтади. Хусусан, муаллиф О.Маҳмудовнинг Мумконсой деган мавзеда нефть ва озекерит конларини очиб, ишга туширганини ва қўқонлик бойлардан бири эканини таъкидлайди [24. Б. 7].

Шу билан биргаликда Ўзбекистондаги ноширлик фаолияти тараққиётини Обиджон Маҳмудовсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг илмий меросини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш бугуннинг талаби ва эҳтиёжидир. Узоқ йиллар давомида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий таназзулнинг боиси ҳам ўтмишдошларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари, маънавий қадриятларидан фойдаланмаганлик оқибатидир. Шу маънода ўтмишдошларимизнинг илмий меросини ўрганиш, уни келажак авлодга етказиш тараққиёт кафолатидир.

Туркистондаги миллий тараққийпарварлик ҳаракати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунгача ушбу йўналишнинг жуда кўп вакиллари ҳаракатнинг асослари, назарий методологик тамойиллари ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида жуда яхши тасаввурга эга бўлганлар ва мақсад сари ҳаракат қилганлар. Тарихшунослик нуқтаи назаридан олиб қараганда, Обиджон Маҳмудов ҳам жадидчиликнинг йирик сиёсий ҳаракатга айланишидан тортиб, давлатчилик шаклланишигача бўлган босқичларини ўз бошидан кечирган йирик давлат арбоби эди. Унинг феномени шунда эдики, у нафақат вазир ёки ношир сифатида, балки иқтисодий муаммоларни кўра билган йирик филантроп сифатида ҳам катта муваффақиятга эришган. О.Маҳмудов ёшларга қарата ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни эгаллаш, Шарқ ва Ғарб маданиятининг чуқур билимдони бўлиш лозимлигини ўзи ташкил қилган «Садойи Фарғона» газетасидаги мақолаларда кўрсатиш баробарида Туркистоннинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш, савдо соҳасини тартибга солиш каби муаммоларни ҳам ёритган. Бундан ташқари Маҳмудов Туркистон учун янгилик бўлган биржа жамиятларининг асосчиларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим.

Унинг ғояларида ўша даврда жамиятни ташвишга солаётган – диннинг инсон маънавий камо-

лотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш, шунингдек, ноширлик фаолиятини ривожлантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун муҳим шартлар бўлиб, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди. Бироқ бу ғоялар О.Маҳмудов ва бошқа жадидлар исломнинг бутун таълимотини қайта ёзишга интилганлар, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Сабаби у ва бошқа жадидлар ўз фаолиятларида Қуръонни ҳам, умуман, бутун ислом таълимотини ҳам тўғри изоҳлаб беришга интилганлар. Хусусан, Обиджон Маҳмудов ўзининг мақолаларида айрим руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб қўрсатганликларини танқид қилади ва диндан фойдаланилган сиёсий тадбирлар қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беради. Қолаверса, у исломнинг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан бирга таълим, иқтисод, маданият ва умуман жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини тушунтиришга интилган. Унинг фикрлари ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаган ва Ғарбнинг технология ҳамда ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Шарққа нисбатан анча илгарилаб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда Ғарб цивилизацияси томон интилган. Шунингдек, унинг ғояларида асосий эътибор бутун ижтимоий тизимни ўзгартириш, маънавият соҳасини янгилашга қаратилган. Хусусан, янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш, иқтисодий мустақиллик, Европа маданияти ютуқларидан фойдаланишни тарғиб этиш орқали миллий дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш ҳамда миллий ўзликни англашни юксалтириш лозимлигини уқтиради.

О.Маҳмудов Туркистон мухторияти ташкил этилгандан сўнг (1917) озиқ-овқат вазири бўлиб ишлади ва фаолияти давомида халқ фаровонлиги учун бор имкониятларини ҳамда заковатини аямади. Мухторият ағдарилгач, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар Бухоро ҳамда Хоразм Халқ Республикалари ҳукуматлари таркибига кирган бўлса, мухторият миллий раҳбарларининг бир қисми Совет муассасаларида ишладилар, бошқа қисми миллий истиқлолчилик ҳаракатларига қўшилдилар. Бу вазиятда Обиджон Маҳмудов Туркистон Автоном Совет Республикасининг Марказий ижроия қўмитаси пахта ишлари бўлимида мутахассис бўлиб ишлайди (1919 йил 1 май).

О.Маҳмудов пахта таъминоти бўлимидаги фаолияти давомида турли республикалардан марказга келган пахтанинг статистикасини олиб борган, яъни пахтанинг нави, келган квитанция рақами ва ҳоказо. 1919 йил 3 сентябрда «Центртекстиль» томонидан Обиджонга юборилган. Ушбу маълумотномада Москвага келган жами 229 той турли пахта навлари реквизитланиб, шу ердаги саноат фабрикаларига тарқатилгани акс этган [25. Б. 321].

1918 йил октябрь ойидан 1919 йил 15 февралигача Туркистон Автоном Совет Республикасининг Марказий ижроия қўмитаси матбуот бўлимида фаолият олиб боради. Кейинчалик ўз ишига садоқати, характеридаги қатъийлик, ор-номуснинг юксаклиги ҳамда ватан тараққиёти йўлида толмасдан хизмат қилиш каби хислатлари туфайли МИҚнинг матбуот бўлими бошлиғи даражасига эришади [25. Б. 112].

Архив манбаларидан маълум бўлишича, О.Маҳмудов бошчилигидаги бир гуруҳ сармоядорлар 1906 йил 15 ноябрда Қўқон биржа жамиятини ташкил этишган. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида бир қанча ҳужжатлар мавжуд [17. Б. 1, 28]. Унга кўра 1907 йил 9 январда биржа жамияти раиси А.И.Вегель ва Обиджон Маҳмудов бошчилигидаги 60 нафар аъзо Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Покотило Василий Иванович (10.12.1904 – 28.07.1907) номига Қўқон биржа жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги ариза ва баённомани илова қилиб, хат орқали жўнатишади ҳамда «жаноби олийлари»дан ушбу жамият фаолиятига рухсат беришини сўрашади [26. Б. 26, 27].

Хатда келтирилишича, жамиятнинг 60 нафардан иборат аъзоси 1906 йил 15 ноябрда Қўқон шаҳрида йиғилиб, Қўқон биржа жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқишади. Ушбу йиғилишда биржа жамиятининг Низоми ишлаб чиқилиб, аъзолик бадаллари ҳам киритилади. Жамият аъзолари 1907 йил 2 январь куни ҳам йиғилишиб, Низомнинг 46-бандига кўра жамият аъзоларининг 2/3 қисми биржа жамиятини ташкил этиш учун овоз берганини эълон қилишади [26. Б. 23, 25]. Кейинчалик 1907 йилда 2299-сонли хат билан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Россия императори Николай II номига хат йўллаб, биржа жамияти тузилганлиги тўғрисида ҳисобот беради [26. Б. 4-5]. Қолаверса, биржа жамияти фаолияти учун Низом ишлаб чиқилган бўлиб, уни тайёрлашда О.Маҳмудовнинг ҳиссаси катта бўлган. Хусусан, у рус бойларидан И.Ларин, А.Смирнов, Р.Рибаков, А.Увальев, А.Коротковлар, шунингдек, ўзбек филантропларидан А.Самандаров, И.Қосимбеков, Мулла Бобожон Шарифбоев, Мулла Сулаймонқул Байбачи каби яқин дўстлари билан бу ишга бош-

қош бўлган. Ушбу низомда жамиятнинг мақсад ва вазифалари, очиқ биржа савдоларини ўтказиш, Туркистонга кириб келаётган маҳсулотларнинг ягона нархини белгилаш, нархларни суньий ошишига йўл қўймаслик каби масалалар кўрсатилган. Фикримизча, бу билан Маҳмудов Россия империясининг Туркистондаги иқтисодий сиёсатидан хабардор бўлиб туришни мақсад қилган.

Низомга мувофиқ биржа жамияти қуйидаги асосий принциплар асосида ишлаши белгиланган:

1) биржа савдоларининг очиқлиги ва ошкоралиги;

2) биржа савдоларида нархларни шакллантириш эркинлиги;

3) биржа битимларининг ихтиёрийлиги;

4) биржа барча аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишида ўзаро тенглиги;

5) фақат олдиндан белгиланган жойда ва биржада битимлар тузиш [26. Б. 6, 8].

Юқоридаги принциплар асосида жамиятнинг маҳаллий миллатга мансуб вакиллари биржа савдоларида русларнинг ноқонуний ҳаракатларини тартибга солиб туришган. Қолаверса, иқтисодий нуқтаи назардан Туркистонда ташкил этилиши лозим бўлган мухториятнинг иқтисодий асосларини барпо этишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, О.Маҳмудовнинг юқоридаги ишларни амалга оширишида марказий масала – озодлик учун кураш жараёнида иқтисодий мустақилликка эришиш муҳим ўрин эгаллаган эди. Шу сабабли 1914 йилда унинг шахсий ташаббуси билан ташкил этилган «Садои Фарғона» газетасида Туркистон иқтисодиётига оид бир неча мақолаларни эълон қилди ва уларда ўлкага капиталистик иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши, адолатсизлик ва суиистеъмолчиликлар халқнинг тобора тинка-мадорини қурита бораётганлигини ҳамда Европа банк ва фирмаларининг асл башарасини очиб ташлади: «...Оқча керак бўлса Фарғонага кел ва юринглар деб бир неча кунда: 25 фирма, 10 банк, 5-10 комиссионний контуралар очилуб, ўн, йигирма тарафдан оқчани тортавердилар... Банк ва фирмалар фақат Низомга тўғри келтуруб ишларини ўзлари хоҳлаганларича қилуб, қанча инсофсизлик қила билсалар қилдилар» [27. Б. 1].

О.Маҳмудов тадбиркор шахс бўлгани боис ўз фаолияти давомида иқтисодий масалаларга, хусусан, маҳаллий саноат, савдо ва ҳунармандчиликка ҳам катта аҳамият берган. У «Садои Фарғона» газетасидаги мақолаларининг бирида қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилигига тўхталиб, бу ҳақдаги ўз фикрларини баён этган. Муаллиф ўз замонасида қадим замонлардан бери ўлкадаги китобот ва сарой ишлари учун ишлатиладиган қоғозлар Россия ва Хитойда эмас, балки Туркистоннинг ўзида, айнан Қўқонда ишлаб чиқарилар эди, дейди. Бу қоғозлар шу ернинг ўзида тайёрланиши билан бирга арзон ҳам эканлигини таъкидлайди. Қоғозлар асосан Қўқоннинг «Мўйи муборак» деган мавзеида ишлаб чиқарилган бўлиб,бу ерда 10-15 атрофида қоғоз обжувозлари ишлаб турган. Лекин муаллифнинг маълумот беришича, айни пайтда бу обжувозларнинг баъзиларигина ишлаган. Миллий қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўқ бўлиб кетишидан хавфсираган О.Маҳмудов ҳукумат раҳбарларини миллий ҳунармандчиликнинг ушбу турини ривожлантиришга аҳамият беришга чақирди: «....Балки ҳукуматга бир яхши фойдалик иш бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. ... яна беш-ўн йил аҳамият бериб шул ишни очмасалар, эҳтимолки, назардан шул касбға айб бўлуб кетса ҳам ажаб эмас» [28. Б. 87].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Обиджон Маҳмудов тўғрисидаги юқорида келтирилган маълумотлардан олимнинг миллийлик ғурури ва халқчиллик руҳида тарбияланганлигини кўриш мумкин. Туркистонда маърифатпарварликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шахс бўлиб, у миллатнинг яшаши, тараққий топиши учун курашган, халқ билимли бўлиши учун ноширлик фаолиятини ривожлантирган, янги иқтисодий механизмларни Туркистон иқтисодиётининг муҳим қисми бўлиши учун ҳаракат қилган тараққийпарвар ва зиёли инсон эди.

Исломнинг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан бирга таълим, иқтисод, маданият ва умуман жамият ҳаётини барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини тушунтиришга интилгани, унинг фикрлари ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмагани ва Европа тажрибасидан фойдаланиш муҳим эканлигини айта олгани унинг жуда катта информатор эканлигидан далолатдир.

Энг муҳими, йирик давлат арбоби ва геолог олим Обиджон Абдухолиқ ўғли Маҳмудов фаолиятини ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик учун етказиш ўсиб келаётган ёш авлодни ўз тарихига бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўладиган муҳим омил ҳисобланиши баробарида мамлакатимизнинг юксак тараққиётига ҳам сабаб бўлади, деган умиддамиз.

Адабиётлар:

1. *Мирзиёев Ш.* Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

2. *Мирзиёев Ш*. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

3. *Allworth E.A.* 130 years of Russian dominance, A historical overview. – London: Duke university press,1994. – 650 p.

4. *Kocaoğlu T.* Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900 – 1924. – Budapesht: Turkuaz dizisi, 1992. – 289 p.

5. *Khalid A*. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York: University of California press,1999. – 400 p.

6. *Зенушкина И.* Советская национальная политика и буржуазные историки: становление советского многонационального государства (1917-1922 годы) в современной американской историографии. – Москва: Мысль, 1971. – 285 с.

7. *Khalid A*. Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note// Central Asian survey, 1992. – Vol.11. – No 3. – Pp. 113 – 118.

8. *Khalid A.* Printing, publishing and reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies,1994. – Vol. 26. – No 2. – Pp. 187 – 200.

9. *Badan Ph.* Socio-cultural reform movement in Central Asia// The Journal of Central Asian Studies, 2016. – Vol. 23. – Pp. 1 – 16.

10. *Baldauf I.* Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World// Die Welt des Islams New Series, 2001. – Vol. 41. No 1. – Pp.72 – 88.

11. *Bazarbayev K., Tursun H., Sadykova R*. Jadidism as an educational system and a political movement in Turkestan (Central Asia)// International education studies, 2013. – Vol.6. – No 1. – Pp.85 – 94.

12. *Bobrovnikov V*. Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918-1940) // Islamology, 2017. – Vol.7. – No 2. – Pp. 54 – 73.

13. *Zemtsova O*. The first steps of jaded movement among Russian muslims middle Volga region in nineteenth century// Zapad-Vostok, 2015. – No 8. – Pp. 90 – 96.

14. *Османова М.* Старопечатная книга в Средней Азии в конце XIX – начале XX в // Вестник института истории, археологии и этнографии Дагестана, 2013. – № 2. – С. 10 – 20.

15. *Худойкулов А.М.* Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Дисс... канд.ист.наук. – Тошкент, 1995. – 180 с.

16. *Турсунов Р*. Национальный прогресс в социально – экономических процессах в Туркестане в начале XX века. Дисс... канд.ист.наук. – Тошкент, 2008. – 176 с.

17. *Бороздин С.С.* Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухары. Дисс... канд.ист.наук. – Екатеринбург, 2012. – 183 с.

18. *Джестовская Ф.А.* Проблема татарского просветительства в XIX – начале XX веков в историко-политическом измерении. Дисс... канд.ист.наук. – Казань, 2004. – 112 с.

19. *Шадманова С.Б*. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий - иктисодий ва маданий аҳволи масалалари: тарих фанлари докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 215 б.

20. *Шарипов Р.* Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 48 б.

21. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.

22. *Шамсутдинов* Р. Туркистон Мухторияти харбий вазири Убайдулла Ходжаевнинг портретига чизгилар // Водийнома, 2017. – № 3(5). – Б.76 – 85.

23. *Шамсутдинов Р*. Озарбайжон диёрида Чўлпон меросини излаб // Водийнома, 2018. – № 3(10) – Б. 5 – 18.

24. *Назаров Р*. Махмудов Абиджан Абдуксолик оглы // Ислам в Санкт-Петербурге. – Новгород, 2009. – С. 12 – 19.

25. *Назаров Р.* Узбекская диаспора России: история и современность // Единство, 2016. – № 2. – С.7 – 15.

26. ЎзР МДА, 29-фонд, 1-рўйхат, 26684-иш

27. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 214-иш

28. *Маҳмудов О*. Эски барокотлик савдогарчилик //Садойи Фарғона, 1914 йил 17август.

29. *Қозоков Т., Воҳидова К*. «Садои Фарғона» ва «Садои Туркистон» газеталарида иқтисодий масалаларнинг ёритилиши // «Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси». Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2015 йил 27 май. – Б. 87 – 89.

SOCIO-POLITICAL AND ECONOMIC VIEWS OF JADID OBIDJON MAKHMUDOV

N.B.Komilov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 47 – 54.
[1]Ferganskiy filial Tashkentskoy meditsinskoy akademii, Fergana, 150100, str. Yangi Turon, 2A (Uzbekistan).
E-mail: fftna_info@edu.uz

Keywords: *jadid, Turkestan autonomy, publisher, tsarist Russia, enlightenment, economic independence, Konibodom, young Bukhara youths.*

The article presents information about the life and work of the leader of the Kokand Jadids, the publisher and geologist ObidzhonAbdukholikogluMakhmudov (1871-1936) on the basis of archival sources. Today there is a great opportunity not only to study this important subject in detail, but also to study these issues based on the very primary sources written by local historians.

In addition, the article notes that during the years of totalitarian rule and communist ideology, it was prohibited to study the spiritual heritage and values of the Uzbek people, the true history, activities and creative work of intellectuals and historians who made a significant contribution to the development of Uzbek statehood.

In the article, JadidObidjonMakhmudov is noted as a patriot, an honest and erudite person. His ideas covered the entire set of historical tasks that worried society at that time - the correct understanding of the place of religion in the spiritual improvement of a person, the activation of the processes of the formation of the market, the formation of progressive democratic institutions, the formation of the specifics of national development in the country, as well as the development of publishing activities.

ObidjonMakhmudov, like all Jadids, understood that without educating the people, without acquainting the masses with the achievements of world culture, Turkestan cannot develop. Secondly, he correctly believed that in order to improve the living conditions of the people, it was necessary to get rid of the colonial-feudal oppression and heavy obligations, to achieve spiritual freedom. In particular, the article highlights the criticism of Makhmudov's numerous speeches in the press about the illegality and bribery of the tsarist government, the negative aspects of banks' activities, as well as the appearance of tyranny, such as excessively high taxes initiated by his pragmatic actions in the subsequent period.

The article also proves that the scientist's activity as an informant led to an increase in the number of formations of shares in Turkestan and Kokand, as a result of his actions, the Kokand city commercial and industrial exchange was created.

It should be noted that, from the information and scientific conclusions of the article on the life of Obidjon Mahmudov and his contribution to the development of the national enlightenment movement can be used for the conducting of research, and the creation of textbooks, manuals for universities, secondary and specialized education. In addition, the scientific novelty and practical significance of the article is relevant, and it can be an important source for researchers who are interested in the history of our country and the general public.

References:

1. Mirziyoev, Sh. (2017) *Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan quramiz* [We will build our great future with our brave and noble people]. Tashkent: O'zbekistan.

2. Mirziyoev, Sh. (2020) O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Murojaatnoma [Address to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan]. Xalq so'zi. January 24.

3. Allworth, E.A. (1994) 130 years of Russian dominance, A historical overview. London: Duke university press.

4. Kocaoğlu, T. (1992) *New Movements and Conflicts in Turkestan:* 1900-1924. Budapest: Turkuaz dizisi.

5. Khalid, A. (1999) The Policy of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. New York. University of California press.

6. Zenushkina, I. (1971) *Sovetskaya nacional'naya politika i burzhuaznye istoriki: stanovlenie sovetskogo mnogo nacional'nogo gosudarstva (1917-1922 gody) v sovremennoj amerikanskoj istoriografii)* [Soviet national policy and bourgeois history: the formation of the Soviet multinational state (1917-1922) in modern American historiography]. Moscow: Mysl'.

7. Khalid,A. (1992). Muslim printers in Tsarist Central Asia: A research note. *Central Asian survey.* Vol. 11. No 3. Pp.113-118.

8. Khalid, A. (1994) Printing, publishing and reform in Tsarist Central Asia. *International Journal of Middle East Studies*. Vol. 26. No 2. Pp. 187-200.

9. Badan, Ph. (2016) Socio-cultural reform movement in Central Asia. *The Journal of Central Asian Studies*. Vol. 23. Pp. 1-16.

10. Baldauf I. (2001) Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World. *Die Welt des Islams New Series*. Vol. 41. No 1. Pp. 72-88.

11. Bazarbaev, K., Tursun X., Sodikova, R. (2013) Jadidism as a system of education and political movement in Turkestan (Central Asia).*International Education Research*. Vol.6. No 1.Pp. 85-94.

12. Bobrovnikov, V. (2017) Islamic discourse of visual propaganda in the interwar soviet orient (1918-1940). *Islamology*. Vol. 7. No 2. Pp. 54-73.

13. Zemtsova. O. (2015) The early stages of the Jadid movement in the Middle Volga region among Russian Muslims in the XIX century. *Zapad-Vostok.* No 8. Pp. 90-96.

14. Osmanova, M. (2013) Staropechatnaya kniga v Srednej Azii v konce XIX – nachale XX v [Old Printed book in Central Asia at the end of XXth at the beginning of XXth centuries].*Vestnik instituta istorii, arheologii i etnografii Dagestana*. No 2. Pp.10-20.

15. Xudoykulov, A.M. (1995) Prosvetitel'skaya deyatel'nost' dzhadidov Turkestana (konec XIX - nachalo XX vv.) [Educational activities of the Jadids of Turkestan (XIXth - early XX centuries)]. The dissertation of the candidate of historical sciences. Tashkent.

16. Tursunov, R. (2008) Nacional'nyj progress v social'no - ekonomicheskih processah v Turkestane v nachale XX veka [National progress in socio - economic processes in Turkestan at the beginning of the twentieth century]. The dissertation of the candidate of historical sciences. Tashkent.

17. Borozdin, S.S. (2012) Politika rossijskih vlastej v otnoshenii musul'manskogo naseleniya Turkestana i Buhary [The policy of the Russian authorities in relation to the Muslim population of Turkestan and Bukhara]. Dissertation for the degree of candidate of historical sciences. Ekaterinburg.

18. Dzhestovskaya, F.A. (2004) Problema tatarskogo prosvetitel'stva v XIX - nachale XX vekov v istoriko-politicheskom izmerenii [The problem of Tatar enlightenment in the XIX - early twentieth centuries in the historical and political dimension]. The dissertation of the candidate of historical sciences. Kazan'.

19. Shadmanova, S.B. (2011) Davriy matbuotda Turkistonning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy ahvoli masalalari [Issues of socio-economic and cultural situation in Turkestan in the periodicals].The dissertation for Doctor of historical sciences.Tashkent.

20. Sharipov R.(2002) Turkiston jadidchilik harakati tarixidan [From the history of the Turkestan Jadid movement]. Tashkent.

21. A'zamxo'jaev, S. (2000) *Turkiston muxtoriyati. Milliy-demokratik davlatchilik qurilishi tajribasi* [Autonomy of Turkestan. Experience in building a national-democratic state].Tashkent: Ma'naviyat.

22. Shamsutdinov, R. (2017) Turkiston harbiyvaziri Ubaydulla Xodjayevning portretiga chizgilar [Drawings on the portrait of the Minister of Defence of the Turkestan Autonomy Ubaydulla Khodjaev]. Vodiynoma . No 3(5). Pp. 76-85.

23. Shamsutdinov, R. (2018) Ozarbayjon diyorida Cho'lpon merosini izlab [In search of Cholpon's heritage in Azerbaijan]. No3 (10). Pp. 5-18.

24. Nazarov, R. (2009) Mahmudov Abidzhan Abduksolik ogly [Makhmudov Abidjan Abduksolik oglu]. *Islam v Sankt-Peterburge*. Novgorod. Pp.12-19.

25. Nazarov, R. (2016) Uzbekskaya diaspora Rossii: istoriya i sovremennost' [Uzbek Diaspora of Russia: history and modernity]. *Edinstvo.* No 2. Pp. 7-15.

26. O'zR MDA, [The central archive of the Republic of Uzbekistan]. Fund17, List 1, Deal 214.

27. O'zR MDA [The central archive of the Republic of Uzbekistan]. Fund29, List 1, Deal 26684.

28. Makhmudov, O. (1914) Eski barokotlik savdogarchilik [Old productive trade]. *Sadoyi Farg'ona*. August 17.

29. Qozokov, T., Vohidova, K. (2015) «Sadoi Farg'ona» va «Sadoi Turkiston» gazetalarida iqtisodiy masalalarning yoritilishi [Coverage of economic issues in the newspapers «Echo of Ferghana» and «Echo of Turkestan»]. 'Milliy matbuotimizning ikki durdonasi'i ['Two diamonds of our national press']. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari [Materials of the Republican scientific-practical conference]. Pp. 87-89.

Муаллиф ҳақида маълумот:

КОМИЛОВ Нодирбек Бокижонович – Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали Тиббий профилактика иши факултети декан ўринбосари. E-mail: n_komilov@inbox.ru